



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 14 май, № 98 (7328)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## УСТУВОР ЛОЙИХАЛАР ИЖРОСИНИНГ БОРИШИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 май кунини хорижий инвестициялар иштирокидаги устувор лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Мамлакатимизда фаол инвестиция сийёсати олиб борилмоқда. Инвестиция муҳити тобора яхшиланиб, ишбилармон доиралар юртимиздаги лойиҳаларга катта қизиқиш билдиришмоқда. Халқаро молия институтлари, ривожланган давлатлар ва йирик компаниялар иқтисодий-ижтимоий соҳаларга сармоя киритмоқда.

Жорий йилнинг ўзида Германия Федератив Республикаси, Бирлашган Араб Амириклари, Хитой Халқ Республикаси, Корея Республикаси ва бошқа давлатлар раҳбарлари билан олий даражада мулоқотлар бўлиб ўтди. Улар доирасида саноат, энергетика, инфратузилма, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим каби соҳаларда муҳим келишувларга эришилди. Ҳар бир хорижий шерик билан қўшма лойиҳалар ижросини таъминлаш учун Президент қарорлари асосида «Йўл хариталари» тасдиқланди.

Жорий йил 8 апрель кунини бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги барча лойиҳалар тўртта рўйхатга ажратилиб, биринчи рўйхатдаги энг муҳим стратегик лойиҳалар Президентнинг доимий назоратида бўлиши белгиланган эди.

Йиғилишда ана шундай устувор инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши атрофлича тахлил қилинди.

— Инвестициялар иқтисодиёт ривожини, халқимиз ҳаёт сифати ва фаровонлигини таъминлайдиган асосий манбалардан биридир, — деди давлатимиз раҳбари. — Ривожланган давлатлар билан муносабатларимиз янги босқичга кўтарилганидан келиб чиқиб, янада фаол ва тизимли ишлашимиз керак.

Ўтган давр мобайнида бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги тизимига шу соҳа учун масъул вазирнинг биринчи ўринбосари лавозими киритилди. Ҳар бир мамлакат билан ишлаш бўйича алоҳида бошқармалар ташкил қилинди. Бундан ташқари, мутасадди раҳбарлар бошчилигида махсус ишчи гуруҳлар тузилди.

Йиғилишда хорижий инвестициялар иштирокидаги устувор лойиҳалар бўйича олиб

борилаётган ишлар юзасидан мутасаддиларнинг ҳисоботлари тингланди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ҳолати жуда сустиги, улкан молиявий имкониятлардан самарали фойдаланилмаётгани танқид қилинди. Эришилган келишувлар ва қўшма лойиҳалар ижросини ўз вақтида ва сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча топшириқлар берилди.

Шу билан бирга, иш ўринлари яратиб, халққа фойда келтирадиган, иқтисодий самарадор янги лойиҳалар ишлаб чиқиш бўйича ҳам вазифалар белгиланди.

Тараққий этган мамлакатларда инвестициялар жалб этиш бўйича тажриба Бирлашган Араб Амириклари мисолида кўриб чиқилди. Энг замонавий ёндашув ва иш юритиш услубларини соҳа ва тармоқларимиз фаолиятига жалб этиш, ушбу мамлакатдан мутахассислар таклиф этган ҳолда ёки онлайн тарзда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида малака ошириш ва тажриба ўрганишни ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди, бу борада аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Йиғилишда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда, Тошкент шаҳрида замонавий саноат корхоналари ташкил этишга қаратилган ишлар ижроси ҳам тахлил қилинди. Бу лойиҳалар шаҳарнинг маъжуд инфратузилмасидан самарали фойдаланиш амалийотида, бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, айнакка, аҳолини иш билан таъминлаш жиҳатидан муҳимлиги қайд этилиб, уларни тезроқ ишга тушириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тизимини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари инвестиция соҳасига доир қўнучилик халқаро нормаларга мувофиқлаштирилиши, улар ҳар бир инвесторга ишонч ва кафолат бўлиб хизмат қилиши зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда берилган топшириқлар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

ЎзА.

## Ўн йилга мўлжалланган «Йўл харита»си амалиётга инновацион технологияларни татбиқ этишга кенг йўл очади



**Навоий вилоятидаги «Qizilqumsemment» акциядорлик жамияти печларининг бир маромда ишлаши қурилиш материаллари бозоридаги нархлар барқарорлигига ўз таъсирини ўтказар экан. Негаки, мамлакатимизда тайёрланаётган цементнинг қарийб ярми ушбу корхона улушига тўғри келади.**

### Президент ташрифидан сўнг

Бу ерга ўрнатилган замонавий қувватлар ёрдамида ўтган йили 3 миллион 571 минг тонна цемент ҳамда 2 миллион 970 минг тонна клинкер ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари, қурилиш шағала ва охаги, хризотилцемент

варақлар, бетон ҳамда темир-бетон маҳсулотларини тайёрлаш ҳам ўзлаштирилган.

«Qizilqumsemment»нинг салоҳиятини юксалтириш асосий усулларини техник жиҳатдан такомиллаштириш, жаёвга маҳсу-

лот таннархини пайсатиришга қаратилган инновацион лойиҳаларни татбиқ қилишни тақозо этмоқда. Шу боис Президентимиз ўтган йилнинг март ойида Навоий вилоятига ташрифи чоғида корхонани босқичма-босқич модернизация-

лаш, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар тури ва ҳажминини ошириш бўйича мутасаддиларга 10 йиллик «Йўл харита»сини ишлаб чиқиш топширигини берган эди.



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ИПОТЕКА КРЕДИТИ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КЕНГАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

2016 — 2018 йилларда ипотека кредити амалиётининг кенгайиши 82 мингдан ортиқ уй-жойларнинг фойдаланишга топширилишини таъминлади, бунинг натижасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги 400 мингга яқин фуқаролар тураржой шароитларини яхшилашга эришди.

Қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар ва шаҳарларда кўп қаватли уйлар, ёш оилаларга, ҳарбий хизматчиларга, бюджет ташкилотлари ходимлари ва аҳолининг бошқа тоифалари учун уй-жойлар қуриш бўйича давлат мақсадли дастурларини (кейинги ўринларда — мақсадли дастурлар) изчил амалга ошириш давом этмоқда. Мазкур мақсадлар учун республиканинг тижорат банклари томонидан жами 10 триллион сўмдан ортиқ ипотека кредитлари берилди.

Шу билан бирга, мамлакатимиз уй-жой секторини ривожлантириш зарурати ипотека кредитларини тақдим этиш механизмларини такомиллаштириш ва аҳолининг барча қатламлари учун бозор тамойиллари асосида ипотека кредитларидан фойдаланиш

имкониятларини ошириш юзасидан қўшимча чоралар кўришни талаб этмоқда.

Аҳолининг турмуш даражасини изчил ошириш, ипотека кредити механизмларидан фойдаланиш амалийотини янада такомиллаштириш ва кенгайтириш, шунингдек, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати ва қурилиш индустриясини ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар ва рағбатлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Оснб тарққиёт банки (кейинги ўринларда — ОТБ) билан биргаликда **Ўзбекистонда ипотека бозорини ривожлантириш дастури**ни 2019 — 2021 йилларда амалга ошириш концепцияси ишлаб чиқилганини, унинг доирасида бозор тамойиллари асосида узоқ муддатли барқарор ипотека молиялаштириш тизимини яратиш учун ОТБ томонидан 200 миллион АҚШ доллари миқдоридagi қарз маблағлари ажратиш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

(Давоми 2-бетда).

### Кадрият

**Шайхулислом Оллохшукур ПОШШОЗОДА, Кавказ мусулмонлари идораси раиси, МДХ Динлараро кенгаши ҳамраиси, Кавказ халқлари Олий диний кенгаши раиси:**

## ИСЛОМ ҲАҚИҚАТНИ АНГЛАШ ДЕМАҚДИР

Бугун, муҳаддислар, олим уламолар етиштириб берган заминда шайх Муҳаммад Солиҳ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг номи билан боғлиқ савобли юмушлар амалга оширилаётгани, хусусан, у кишининг қаламига мансуб ва бошқа диний-маърифий китоблар чоп этилиб, юртингизда ташкил этилган «Вақф» хайрия жамоат фонди томонидан масжид ва мадрасаларга етказиб берилаётгани, Тошкент шаҳрида Шайх ҳазратларининг номлари билан юритилувчи кўркам масжид очилгани энг хайрли ишлардир, десак, аини ҳақиқат.

Ўзбекистонда яшаб ўтган улуг алломалар Имом Бухорий, Бурхониддин Марғиноний, Исо ва Ҳаким Термизий, Маҳмуд Замашшарий, Муҳаммад Кафол Шоший, Баҳоуддин Накшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино,

Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб даҳоларнинг қолдирган бебаҳо илмий-маърифий меросига сунъан ҳолда фаолият олиб бораётган ўзбек жамиятининг танлаган йўли энг тўғри эканини бутун жаҳон афкор оммаси эътироф этиб турибди.



## Ҳисоб палатаси фаолиятини такомиллаштириш қанчалик долзарб?



### Янги қонун лойиҳаси

Мамлакатимиз иқтисодиётида тизимли ислохотлар билан бир қаторда, давлат молиявий маблағлари ва активларидан оқилона фойдаланиш, бюджет даромадларини асосли шакллантириш, харажатларини мақсадли ишлатиш, қўшимча манбалар, имкониятларни излаб топиш ҳамда маъжуд резервларни ишга солишда оқсоқликларга йўл қўйилгани, шунингдек, назоратнинг замон талабларидан орқада қолгани кузатилмоқда.

Шуларни инобатга олган ҳолда, юртимизнинг олий ташқи аудит ва молиявий назорат органи — Ҳисоб палатасининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида Президентимизнинг иккита Фармони ва

битта қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларда кўзда тутилган «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қўнучилик палатасига киритилди. Де-

путлар томонидан лойиҳанинг концепцияси атрофлича ўрганиб чиқилди ҳамда депутатлик бирлашмаларида дастлабки тарзда, масъул кўмита ишчи гуруҳида муҳокамадан ўтказилди ва жорий йилнинг 2 май кунини биринчи ўқишда қабул қилинди.

Қонун лойиҳаси Ҳисоб палатасининг фаолиятига оид муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга, жумладан, унинг ислохотларнинг янги босқичида, бугунги туб ўзгаришлар шароитида самарали фаолият юритишини ва тизимли такомиллашувини таъминлашга қаратилган.

Ҳозирги кунда парламент кўйи палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг ишчи гуруҳида қонун лойиҳасига масъул органлар вакиллари, мутахассислар ва экспертлар иштирокида уни иккинчи ўқишга тайёрлаш бўйича фаол иш олиб борилмоқда.



### Эксклюзив интервью

## Фарғона вилояти: Ҳар бир киши чин дилдан меҳнат қилса, ҳудуд қиёфаси бутунлай ўзгаради

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган йирик лойиҳалар ва аввал берилган топшириқлар ижроси билан танишиш мақсадида 6-7 май кунлари Фарғона вилоятида бўлди. Ташриф давомида туманларга саноатни олиб кириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва ёшлар масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадларга хизмат қилаётган корхоналар фаолияти билан танишилди, янги иқтисодий лойиҳалар белгилаб олинди.



Фарғона вилояти ҳокими Шухрат ФАНИЕВ шулар хусусида «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари учун эксклюзив интервью берди.

— Шухрат Мадаминович! Айтинг-чи, бугунги кунда Президентимиз томонидан олиб борилаётган улкан ислохотлар, рўй бераётган янгиликлар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳудуд аҳолиси ҳаётида қандай намён бўлмоқда? — Давлатимиз раҳбари 2018 йилнинг июнь ойида Фарғона вилоятига ташрифи чоғида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича бир қатор муҳим вазифаларни белгилаб берган эди. Ўтган давр мобайнида мазкур масалаларнинг ижросига алоҳида эътибор қаратилиб, вилоят иқтисодиётига 152,7 миллион АҚШ доллари миқдоридан тўғридан-тўғри

хорижий инвестиция жалб этилди. Жорий йилда эса Инвестиция дастурига киритилган 13 та ҳамда қўшимча шакллантирилган 30 та лойиҳа доирасида 315,7 миллион АҚШ доллари миқдоридан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши режалаштирилган. Шунинг 66,5 миллион доллари биринчи чорак давомида ўзлаштирилди. Натижада Фарғона шаҳрида «Winchemical», «Listem-Fergana» каби қўшма корхоналар ишга туширилди. 21 корхонада саноат, сервис ва қишлоқ хўжалиги йўналишидаги лойиҳалар амалга оширилишига эришилди.



### ТАФАККУР ЖАВОҲИРИ

Китобсиз уй қалбсиз танага ўхшайди.

Цицерон





Фаргона вилояти:

Ҳар бир киши чин дилдан меҳнат қилса, ҳудуд қиёфаси бутунлай ўзгаради



Шу ўринда қиймати 8,1 миллион долларлик "Listem-Fergana" Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасига алоҳида урғу бермоқчиман. Чунки ушбу санаот субъекти Марказий Осиёда ягона бўлиб, тиббиёт учун зарур 8 турдаги рентген аппаратлари ишлаб чиқаради.

Давлатимиз раҳбарининг галдаги ташири Фаргона нефтини қайта ишлаш заводидан бошлангани ўзига хос маънога эга. Бу корхона техник ва технологик жиҳатдан эскириб, модернизациялашга муҳтож эди.

Мазкур қувватни модернизациялаш ишлари Индонезиянинг "PT Trans Asia Resources" хорижий компанияси билан ҳамкорликда, уч босқичда амалга оширилади.

Умуман, вилоятда 2018 йилда қиймати 1 триллион 594 миллиард сўмлик 610 та йирек ва ўрта лойиҳа амалга оширилиб, 9 мингта иш ўрни ташкил этилган.

Бундан ташқари, "Қўқон" эркин иқтисодий зонаси ҳудудидида 2018 — 2021 йиллар давомида амалга оширилиши маълумланган жами 96 та инвестициявий лойиҳа жойлаштирилган бўлиб, ҳозирги кунга қадар 19 таси ишга туширилган.

Жиндагина Жанубий кореялик ҳамкорларимиз билан бирга юк кўтарувчи, минитракторлар ва минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи учта янги завод куриштиришга ташаббус қилдик. Бу ерда келгусида 30 та корхона бунёд этилиши режалаштирилган.

даланиш мақсадида 4 та кичик санаот зонаси ҳам ташкил этилган.

— Аҳоли фаровонлиги бевосита бандлик масаласи билан боғлиқ. Ҳозирги пайтда вилоятда ёшларни муқим иш ўринлари билан таъминлаш, уларнинг маънавий-маърифий ҳаётини яхшилаш учун нималар қилинмоқда?

Президентимиз фаоллар билан мулоқотда жорий йилни Фаргона вилояти учун фавқулодда йил, деб эълон қилдилар, бир йил ҳудудда санаотни ривожлантириш ва инвестиция олиб кириш йили ва бу Фаргона тажрибаси бўлади, дедилар.

Президентимиз илгари сурган беш ташаббус доирасида ҳам навқирон авлод вакилларини иш билан таъминлаш, уларнинг илм олиши ва инновацион ташаббуслар қўриқлиши учун етарли шарт-шароитлар яратиш мақсадида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Ҳар бир йилги-қиз, айниқса, ҳарбийлик касбини танлаган ёшлар жонажон Ватанимиз тарихини, халқ қаҳрамонлари, буюк саркарда ва кўмондонлар ҳаёти ҳамда жасоратини чуқур билиши, улар билан фахрланиши керак. Бу

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Қўштепа туманидаги "Ипак гиламлари" корхонасига ҳам алоҳида эътибор берди. Мазкур кичик бизнес субъекти ушбу тумандаги "Исмоилжон гиламлари" масъулияти чекланган жамиятининг филиали ҳисобланади.

Президентимиз илгари сурган беш ташаббус доирасида ҳам навқирон авлод вакилларини иш билан таъминлаш, уларнинг илм олиши ва инновацион ташаббуслар қўриқлиши учун етарли шарт-шароитлар яратиш мақсадида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Ҳар бир йилги-қиз, айниқса, ҳарбийлик касбини танлаган ёшлар жонажон Ватанимиз тарихини, халқ қаҳрамонлари, буюк саркарда ва кўмондонлар ҳаёти ҳамда жасоратини чуқур билиши, улар билан фахрланиши керак. Бу

туманларига хизмат кўрсатяпти.

Ҳозирги кунда вилоятимизда 8 та олий таълим муассасаси фаолият юртакда. Қўқон шаҳрида техника ҳамда маданият ва санъат институтларининг, шунингдек, Фаргона шаҳрида Латвиянинг ISMA университети филиаллари ташкил этилиши, Тиббиёт академияси филиали тикланиши айлани мудоао бўлди.

— Тараққиётга эришишда халқаро алоқалар ҳам жуда муҳим. Шу маънода, бугун Фаргона вилояти қайси хорижий мамлакатлар ҳудудлари билан ҳамкорликни йўлга қўйди? Шулар ҳусусида тўхталиб ўтсангиз.

Вилоятимизга Ўзбекистоннинг Жанубий Корея, Латвия, Умон давлатларидаги элчихоналари бириктирилган. Бундан ташқари, Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Исроил, Германия, Қатар ва бошқа мамлакатлар тадбиркорлари ва ишбилармон доиралари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Фаргона вилояти ҳамда Жанубий Кореянинг "Инчеон" ЭИЗ ўртасида

Факт ва рақамлар

ФАРГОНА ВИЛОЯТИНИ 2019-2020 ЙИЛЛАРДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҲУДУДИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ

умумий қиймати 26 триллион 401 миллиард сўмлик 643 та лойиҳадан иборат.

Мазкур дастур доирасида 2,5 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилади ва 31 мингдан зиёд иш ўринлари яратилади.

қўриляпти. Юқорида қайд этганимиз — санаотни ривожлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳудди шу мақсадларга қаратилган билан аҳамиятлидир.

инсонда миллий гурурни, ватанпарварлик, фидойилик ҳиссини тарбиялайди. Фарғонадаги "Темурбеклар мактаби" да таълим-тарбия ишлари шу асосда йўлга қўйилган.

Фарғона ва Қувасой шаҳарларида эга Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари энг оғир даврларда Ўзбекистон халқи, унинг тинчлиги, одамларнинг диний соҳада тўғри йўлдан боришлари учун жуда катта хизмат қилган эди.

ҳамкорлик меморандуми имзоланган. Бинобарин, 2019-2020 йилларда Жанубий Корея инвестициялари ҳисобидан қарийб 239,4 миллион долларлик 10 та лойиҳа амалга оширилди.

— Ўтган йилги кластер тизимида фойдаланиш Риштон туманида пахтачилик йўналиши мисолида ўзини оқлади. Президентимиз томонидан анорчилик, узумчилик ва гилосчилик кластерларини ривожлантириш бўйича кўрсатмалар

берилди. Ҳудудда мазкур тармоқларда янги усулни самарали ташкил этиш учун қандай чора-тадбирлар кўрилинмоқда?

— Дарҳақиқат, 2018 йилда Риштон туманида "Рус — Ўзбек текс" МЧЖ томонидан 6,2 минг гектар майдонда пахта-тўқимачилик кластери ташкил этилди. Пировардида 18,6 минг тонна пахта хом ашёси етиштирилиб, ҳосилдорлик 34 центнерга кўтарилди.

Фарғона вилоятида 2019 — 2022 йиллар давомида Олтиариқ туманида 10 та узумчилик, Қува туманида 10 та анорчилик ва Қувасой шаҳри, Қува, Ўзбекистон туманларида 5 та гилосчилик ихтисослаштирилган кластерларни барпо қилиш, кластерлар томонидан аҳоли томоққаларига етказиб берилган узум, анор ва гилос қўчатлари тўлиқ ҳосилга киргандан кейин 480 минг тоннадан ортиқ маҳсулот етиштириш ва унинг 70 фоизини экспортга йўналтириб, 210 миллион долларлик валюта жалб қилиш имконияти яратилади.

— Тўғриси, сўхбатимизда рақамлар, кўрсаткичлар борасида кўп гаплашдик. 2025 йилда Фарғона вилоятини сиз қандай тасаввур қиласиз?

— Юқорида айтилганларни ўз муддатида амалга оширсак, Фарғонанинг қиёфаси буткул ўзгаради. Фарғонанинг тарихида бўлмаган 20 қаватдан ортиқ бандликдаги осмонғар бинолар, том устидаги қишқи ва ёғзи сузиш ҳавзалари, тўлиқ электрон хизматлардан замонавий офислар, смарт лойиҳалар асосида қурилган аҳоли учун қулай, ҳамма шароитга эга тураржойлар бўлишини тасаввур қиласизми? Агар биз чин дилдан ишласак, ҳар бир фарғоналик ўз вазифасини сиқидидан бажарса, бунга эришиши мумкин, албатта.

Элёр ЭҲСОНОВ («Халқ сўзи») сўхбатлашди.

ИСЛОМ ҲАҚИҚАТНИ АНГЛАШ ДЕМАҚДИР



Шавкат Мирзиёев жаноби олийларинг давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг бошларидаёқ юртингизда ўтказилган Ислом ҳамкорлик ташкилотига таъкид ишлар вазири кенгаши 43-сессиясида таълим ва маърифат — тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл эканлиги ғоссини илгари сурган эди.

2018 йилнинг 12 декабрь кунин БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюция қабул қилинди.

Ўзбекистонда обод қилинган муқаддас қадимжолар бутун дунё сайёҳларини ўзига жалб этиб келаятгани бежиз эмас. Биз ҳам ўша томонларга кўп боргимиз келамиз. Тошкент шаҳрининг ўзида буюқ соҳибқирон Амир Темурунинг бевосита буйруғи билан қад ростав, асрлар давомида халқнинг сеvimли даргоҳи бўлиб келган Шайх Зайниддин, Зангиота, Сузук ота макбара-масжидлари борлигини биланам.

барчага ибратлидир. Касб-хунар билан машғул бўлиш, ҳалол ризқ топиб яшаш исломнинг энг эзгу таълимотларидандир.

Ислом оламида катта обрў-эътиборга эга Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари энг оғир даврларда Ўзбекистон халқи, унинг тинчлиги, одамларнинг диний соҳада тўғри йўлдан боришлари учун жуда катта хизмат қилган эди.

"Мусулмон олами ҳозирда бошидан кечириб турган мусибатлар ҳам ўзини билган ҳар бир шахс учун жуда катта мусибатдир, — деб ёзган эди Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари. — Бу мусибатнинг асосий айбдорларидан бири мусулмонларнинг ўзларидан чиққан бемаъни тоифалардир, десак, муболага қилмаган бўламиз.

Шавкат Мирзиёев жаноби олийларининг бу сўзлари чин ҳақиқатдир. Бу ҳақиқатни англаш учун Ўзбекистон дунёга ўз эшикларини очди. Бу заминдан етишиб чиққан улғу зотларнинг, алахусус, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимахуллоҳнинг руҳлари шод бўлсин!

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номидаги масжид очилиши арафасида эсга олдим. Зеро, бу маскан ҳаётини муқаддас динимиз арконларини ўрганишга ва тарғиб этишга сафлаган Шайх ҳазратларининг руҳини шод эта олишига ишонаман.

"Азалий қадриятларимиз ва ахлокий фазилатларни ўзида мужассам этган му-



қаддас динимизни асраш ва қадрлаш ҳар биримизнинг шарофли бурчимиздир. Ислом ҳақиқатни англаш демақдир, у одамзодни эзгу амалларни бажаришга ундайди, ҳар биримизни яхшилик ва тинчликка қорлайди, ҳақиқий инсон бўлишни ўргатади.



ИСЛОМ ИЛМЛАРИНИНГ ЎЧОҒИ

Ислом таълимотига таянган ҳолда, ўлкада боғу роғлар, масжиду мадрасалар, қарвонсаройлару савдо дўконлари барпо этилган.

Ўзбек диёри россиялик мусулмонлар учун алоҳида аҳамиятга эга. Ислом динининг биринчи тарғибчилари Волга, Урал қирғоқлари ва Сибирга айнан ўша ердан келишган.

Ўзбекистонда улғу мутафаккир ва алломалар хотирасини абадийлаштириш бўйича тадбирлар билан бир қаторда, уларнинг таълим-молларини ўрганиш, тарғиб этиш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқдир.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

нуфузли анжуманлар саройи, базмлар зали, бизнес маркази, савдо мажмуаси ва ресторандлар бўлади.

Вилоятдаги санаот корхоналари учун муқобил энергия захирасини яратиш мақсадида Жанубий Кореянинг "Shingdong Resources Co.,Ltd" компанияси билан ҳамкорликда Фарғона туманидаги кўмир қонини ўзлаштириш мўлжалланган.

— Ўтган йилги кластер тизимида фойдаланиш Риштон туманида пахтачилик йўналиши мисолида ўзини оқлади. Президентимиз томонидан анорчилик, узумчилик ва гилосчилик кластерларини ривожлантириш бўйича кўрсатмалар

— Шу асосда “Йўл харита”си тайёрланди, — дейди жамиятнинг ишлаб чиқариш бўйича директори Абдуқаҳор Саломов. — Унга кўра, 2018 йилда ҳажми 120 минг тонна бўлган оҳақтош омборини қуриш ҳамда илғор ускуналари ўрнатиш орқали хом ашё таркибини меъёрлаштириш тизими жорий этилди. Бирламчи



# Ҳаққон йилга мўлжалланган «Йўл харита»си

амалиётга инновацион технологияларни татбиқ этишга кенг йўл очади

хом ашё таркибини яхшилашга эришилди. Мазкур лойиҳа клинкер ҳамда цемент сифатини ошириш баробарида, узатиладиган хом ашё таркибини меъёрлаштириш ҳисобига печларнинг барқарорлигини таъминлаб, газ ва электр энергияси сарфини камайтирди. Шунингдек, “Йўл харитаси” асосида ўтган йили юқори самарадор сепаратор қурилмасини ўрнатиш ҳамда цемент майдалаш жараёнини ёпиқ циклга ўтказиш

орқали 7-сонли цемент тегирионида модернизациялаш тадбирлари бажарилди. Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш натижасида корхонада жорий йилнинг биринчи чорагида 2018 йилнинг шу давридагига нисбатан 3 миллион 893 минг куб метр табиий газ иқтисод қилинди. Қолаверса, иссиқлик ишлаб чиқариш қозонлари тўлиқ тўхтатилиб, айланма печлардан олиннадиган иссиқ-

ликдан фойдаланиш йўли қўйилди. Бундан ташқари, мамлакатимиз раҳбари жорий йил 12-13 март кунлари вилоятда бўлганида, “Qizilqumsement” АЖДА клинкер ишлаб чиқаришнинг тўртинчи босқичини ташкил этиш бўйича топшириқ берди. Бу ҳам корхонага клинкер тайёрлаш қувватини 1,8 миллион тоннага ошириш, технологик жараёнларда энергия тежамкорлиги ҳисобидан маҳсулот

таннархини пайсатириш ва янги иш ўринлари яратиш имкониятини тақдим этади. — Мазкур лойиҳа амалдаги технологияга нисбатан сарфланадиган электр энергияси ва табиий газ сарфини 25 фоизгача камайтиришга хизмат қилади, — дейди корхонанинг қурилиш масалалари бўйича директори маслаҳатчиси Муродилла Исмолов. — Айни кунларда унинг лойиҳа ва лойиҳаолди ҳужжатлари тайёрланяпти.

Корхонада инвестициявий дастурлар қаторида ички имкониятлар ҳисобидан ҳам модернизациялаш тадбирларига жиддий киришилмоқда. Табиийки, булар бунёдкорлик қўлами ҳар қачонгидан-да кенгайган даврда қурилиш материаллари бозоридаги барқарорликка ижобий таъсир кўрсатади.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»). Сирож АСЛАНОВ олган суратлар.

## Кун воқеалари

қисқа сатрларда

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан ўтказилган тадбир доирасида “Akademnashr” нашриётида ўзбек ва немис тилларида чоп этилган Германия Федератив Республикаси Конституциясининг тақдироти бўлиб ўтди.

Сурхондарё вилоятининг Музработ ва Олтинсой туманларида давлат хизматлари марказлари янги бинода фаолият бошлади.

Мудоева вазирилик ҳамда Мирзо Улугбек тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирокида “Соғ танда — соғлом ақл” шиори остида саломатлик акцияси уюштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида Судьялар олий кенгаши қарорига кўра, биринчи беш йил муддатга судьялик лавозимига тайинланганларнинг қасамёд қилиш маросими бўлиб ўтди.

Самарқанд шаҳрида “Ўзбекистон — умумий уйимиз” анъанавий маданият ва дўстлик фестивали бошланди.

Ўзбекистонда мактаб ўқувчилари иштирокида “Ёш делегат” конференцияси ўтказилди.

## ИИВ хабарлари

### Жасорат унутилмайди

Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси биноси ёнида “Хотира монументи” очилди.

Маҳмулда ички ишлар тизимида самарали фаолият кўрсатиб, хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган 15 нафар фидойи ходим сиймоси акс эттирилган.

Монументнинг очилиш маросимида мард ўғлонлар кўрсатган матонат, жасорат ҳеч қачон унутилмаслиги таъкидланди. Тадбирда уларнинг оила аъзолари, фарзандлари ҳам қатнашди. Уларга эсдалик совғалар улашилди.

### Ҳам уй, ҳам машина

Нукус шаҳридаги “Нур” маҳалла фуқаролар йиғинида Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар органлари ходимлари учун бунёд этилган 90 хонадондан иборат 3 та уй ўз эгаларига топширилди.



— Тураржойимиз барча шароитга эга, — дейди капитан Бабиб Байханов. — Шу пайтага қадар ижарада яшаб келдик. Коста, бугун биз учун катта байрам. Давлатимизнинг бу ғамхўрлигига жавобан янада юксак масъулият билан хизмат қиламиз.

Шунингдек, тадбир доирасида Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига 7 та хизмат автомашинаси ҳамда профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиларига хизмат гувоҳномалари топширилди.

## Sport Спорт Sport Спорт

### Боксчиларимизга медалларни Рой Жонс топширди

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бокс бўйича “Губернатор кубоги” соврини учун ўтказилган мусобақада вакилларимиз ажойиб натижа қайд этди.

Турнирнинг ҳал қилувчи кунда уч нафар спортчимиз — Абдумалик Халаков (-56 кг.), Иқболжон Холдоров (-69 кг.) ва Қозимбек Мардонов (-81 кг.) олтин медал учун баҳс олиб борди. Қувонарлиси, Абдумалик мезонлар вакили Алексей Москвинни 4:1, Иқболжон бразилиялик Фернандо Луисни 5:0, Қозимбек эса яна бир россиялик чарм қўлқоп устаси Андрей Косенков-

ни 3:2 ҳисобида мағлуб этди. Шундай қилиб, 20 га яқин мамлакатлар вакиллари қатнашган мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси 3 та олтин медал билан умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Миллий олимпия қўмитаси маълумотига кўра, голиб ва совриндорлар яқин ўтмишнинг машҳур боксчиси Рой Жонс томонидан тақдирланди.

### Манчестердаги натижа кўп нарсани ҳал қилади

15 — 19 май кунлари Англиянинг Манчестер шаҳрида таэквондо бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Мазкур мусобақа Токио Олимпиадасига энг йирик рейтинг очколарини тақдим этувчи турнир ҳисобланади. Шу боис ҳам унда жаҳоннинг 100 дан зиёд давлатларидан таэквондо усталари иштирок этиши кутилмоқда. Кеча эрта тонгда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Манчестерга жўнаб кетишди. Жаҳон чемпионатида қатнашадиган спортчиларимиз билан танишиш: Эркалар: Валентин Хегай (-54 кг.),

Сухроб Бобобеков (-58 кг.), Никита Рафалович (-74 кг.), Шухрат Салаев (-80 кг.), Максим Рафалович (-87 кг.) ҳамда Дмитрий Шокин (+87 кг.). Аёллар: Мадинабону Маннопова (-49 кг.), Чарос Қаюмова (-53 кг.), Зария Қосимова (-57 кг.), Феруза Содиқова (-62 кг.), Нигора Турсунқуллова (-67 кг.) ва Светлана Осипова (+73 кг.)

Шавкат ОРТИҚОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

## «TOW Co., Ltd»

қўшма корхонаси махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади.

www.uztow.com

Махсулотлар сертификатланган.

### «Universal Services of Central Asia»

хорижий корхонаси эҳтиёт қисмлар таъминоти ва сервис хизматларини кўрсатади.

Манзил: 100099, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 87-уй. Тел.: 71-200-00-27 /28.

## «AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК

«AMKODOR», «САЛЕО», «AMKODOR-СЕМАШ» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори

олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар

МТЗ базасидаги юклагичли экскаваторлар

занжирли ва гилдиракли юришдаги экскаваторлар

санчкили юклагичлар

### Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар Ўзбекистонда

ғаллани тозалаш ва сақлаш учун мажмуалар

гидравлика

Махсулот сертификатланган.

Тел./факс: 71-283-42-18, тел.: 71-283-42-17. Моб.: 90-974-00-61, 90-974-00-81.

Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 март кўчаси, 57-уй. E-mail: amkodortashkent@mail.ru, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

# ПРОФНАСТИЛ

## ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ қуйидаги махсулотларни тақдим этади:

### гальванизацияланган ва полимер қопламали ПРОФИЛАНГАН ЛИСТ

гофраси баландлиги: С-17, С-18, Н-35, Н-57.

Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер махсулотдан фойдаланилади. Россия Федерацияси металлургия компанияларида ишлаб чиқарилган.

#### ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ

- 0,4 мм. — 42 600 сўм/п.м.
- 0,5 мм. — 50 400 сўм/п.м.
- 0,45 мм. — 45 600 сўм/п.м.
- 0,7 мм. — 70 200 сўм/п.м.

#### ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ

- RAL 3005, 6005, 8017 0,45 мм. — 55 200 сўм/п.м.
- RAL 3005, 6005, 8017 0,5 мм. — 62 400 сўм/п.м.

Махсулотлар сертификатланган.

Тел.: 99-535-00-65, 95-197-00-93, 99-871-88-99.

## Ушбу жойда Сизнинг рекламнгиз бўлиши мумкин эди!

# «Халқ сўзи»даги Реклама

бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирият Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 59 385 нухсада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўлаб-қўйилган тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунали расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатдан чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.  
Навбатчи — Ш. Гафоров.  
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 02.00 Топширилди — 02.30 1 2 3 4 5 6